

Мусулмон инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида Ислом ҳукми билан иш юритиши керак | Қуръони Карим дарслари (189-дарс)



19:00 / 09 февраль 433

«Ва сизнинг орангиздаги нарсаларнинг ҳукми бор».

Ҳа, Қуръони Каримда барча нарсаларнинг ҳукми бордир. Ҷша нарсалар ҳақида ҳукмнинг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари бордир.

Мўмин-мусулмон ўз ҳаётининг ҳар бир соҳасида, каттаю кичик ҳар бир ишида фақатгина Ислом шариати ҳукми билан иш юритмоғи ҳам фарз, ҳам қарз.

Мўмин-мусулмонлик даъвосини қилиб туриб, ўз ҳаётидаги бирор нарсада Исломнинг ҳукмидан бошқанинг ҳукми билан иш тутмоқ мутлақо мумкин

эмас. Бу нафақат шариатга, Қуръонга ва Суннатга, балки соғлом ақлга ҳам тўғри келмайди.

Хўш, айтинг-чи, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзининг ҳар бир ишини муқаддас динимиз ҳукмига мос қилиши лозиму лобуд экан, бу мақсадга эришиш учун энг аввал нима қилиш керак? Албатта, аввало ўша ҳукмларни ўрганиш зарур.

«У фосил қилувчидир, ҳазил эмасдир».

Ҳа, содиқул масдуқ сифати соҳиби бўлмиш Муҳаммад ал-Содиқ лақабини олмиш ростгўй Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу қавлларида ҳам содиқ-ростгўйдирлар.

Зотан, Роббул олабийннинг Ўзи ҳам «Ториқ» сурасида Каломи Шарифни васф қила туриб:

«Албатта, у (Қуръон) ажрим сўздир. Ва у ҳазил эмасдир», деб марҳамат қилган (13-14-оятлар).

Қуръони Каримнинг фосил қилувчилиги – ажратувчилиги ҳақиқийдир. У ҳар бир нарсани ажратиб-ажратиб кўрсатиб берган. Жумладан, ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан, фойдани зарардан, ҳалолни ҳаромдан, савобни гуноҳдан, мўминни кофирдан, мухлисни мунофиқдан ажратиб қўйган. Ана ўша ажримларни, оддий ажрим эмас, илоҳий – Қуръоний ажримларни билиб олишимиз учун Қуръони Каримни яхшилаб, зеҳн ва ихлос ила ўрганмоғимиз зарурдир.

Ҳа, Қуръон ҳазил эмас, Унда бирорта ҳам бефойда, каммаъно, ҳикматсиз сўз йўқ. Қуръони Каримдаги ҳар бир сўз ўта жиддий, ўта фойдали, ўта пурмаъно ва ўта ҳикматлидир. Биз Аллоҳнинг каломини ўрганар эканмиз, ушбу ҳақиқатларни ҳам доимо ёдимизда тутмоғимиз лозим. Ана шунда ўрганаётган нарсамизнинг қадр-қийматини ўз жойига қўйган бўламиз.

«Ким бир жаббордан қўрқиб, уни тарк қилса, Аллоҳ унинг бўйнини синдиради».

Яъни ким бирор томоннинг жабру зулмидан қўрқиб, Қуръони Каримни тарк қилса, Аллоҳ таоло ўша Қуръонни тарк қилувчининг умуртқа поғонасини синдириб, ҳеч нарсага ярамайдиган, қимирламай ётадиган қилиб қўяди.

Бу гап албатта, мажозий маънодаги гапдир. Бирор жаббордан қўрқиб, Қуръонни тарк қилганларнинг белларидаги умуртқа суяклари синиб, ётиб

қолмайдилар. Балки улар бу дунёю у дунё ишларида уларни тўғри йўлга бошлаб, белларига қувват бўладиган омилдан ажраган бўладилар.

Майда-чуйда нарсаларни гапириб ўтирмасдан, кўз ўнгимиздаги оламшумул миқёсдаги ҳолатни олайлик. Қуръони Каримга амал қилиб, бутун дунёга раҳбарлик қилаётган мусулмон уммати аста-секин Қуръон таълимотларидан узоқлашиши оқибатида ўз мавқеини йўқотди. Кейин эса турли жабборлардан, хусусан, ғарблик мустамлакачи жабборлардан қўрқиб, Қуръонни тарк этди.

Шунинг учун Аллоҳ таоло бу умматни жиноятига муносиб равишда жазолаб, умуртқа поғонасини синдирди. Шундан буён бу уммат осмонга қараганича кўзини мўлтиратиб, қимирлай олмай ётибди.

Бу умматнинг сони кўп, бойликлари кўп, дунёнинг энг қулай ва энг бой ерларига жойлашган, лекин бойликларини бошқалар ташиб кетмоқда. У эса ҳеч нарса қила олмай, ётибди. Хўш, бу оғир дарднинг давоси борми?

Ислом уммати қандай қилиб ўз умуртқа поғонасини қайта ишга тушира олади?

Жавоб битта. Буларнинг ҳаммаси Қуръон билан тузалади. Шунинг учун, азиз ўқувчи, Қуръонни яхшироқ ўрганмоғимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 30-жуз

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.